Ушбу сонда:

2 *Техника хавфсизлиги* ИШ ЎРНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТДИ

3 КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАЛАРИГА ТАВСИЯНОМА

4 ТУЗОҚ *Фельетон*

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ ВАХТ

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 1 феврал, жума №20 (1237)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Жорий йилнинг 5-8 сентябрь кунлари Арманистон пойтахти Ереван шаҳрида ўзбек кураши бўйича IV жаҳон чемпионати ўтказилади. Шу муносабат билан Арманистон кураш федерацияси ташкилий қўмитаси вакиллари Миллий матбуот марказида журналистлар билан учрашди.

- Халқаро кураш ассоциацияси (ХКА) конгресси томонидан кураш бўйича навбатдаги жаҳон биринчилигини ўтказиш учун учта давлат орасидан Арманистонга ишонч билдирилганидан беҳад хурсандмиз, - деди Арманистон кураш федерацияси президенти Алекс Аветисян. - Айни пайтда чемпионатнинг муваффақиятли ўтишини таъминлаш билан боғлиқ тайёргарлик ишлари бошлаб юборилди. Чемпионат давомида кўнгилочар ҳамда маданий тадбирлар ўтказиш ҳам режалаштирилган.

(ЎзА).

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ***Қ А Р О Р И***

АФҒОНИСТОН ҲУДУДИГА ТИЖОРАТ ЮКЛАРИНИ ТРАНСПОРТДА ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг автомобиль ва темир йўл тармоғидан фойдаланган ҳолда Термиз-Ҳайратон кўприги орқали Афғонистонга тижорат юклари етказиб бериш кўламини кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р к и л а д и:

1. 2002 йил 1 февралдан бошлаб Афғонистонга Термиз станциясидан Ҳайратон станциясигача олиб ўтиладиган тижорат юклари учун қуйидаги имтиёзли ставкалар жорий этилсин:

битта вагон ўтказиб берилганлиги учун	180	АҚШ доллари
битта қирқ тоннали контейнер ўтказиб берилганлиги учун	180	АҚШ доллари
битта йигирма тоннали контейнер ўтказиб берилганлиги учун	90	АҚШ доллари
битта юк автомобили ўтиши учун	5	АҚШ доллари

2. Термиз станциясидан Ҳайратон станциясигача Афғонистонга олиб ўтиладиган юкларни ташишда кўрсатиладиган хизматлар ва транспорт-экспедиторлик хизматлари 2002 йил 1 февралдан бошлаб қўшилган қиймат солиғидан озод қилинсин.

3. Белгиланснки, 2002 йил 1 февралдан бошлаб хорижий давлатларнинг Афғонистонга мақсадли бораётган ТИФ ТНнинг 8704 ва 8705 гуруҳига кирувчи юк автотранспорт воситаларига, шу жумладан қийин йўлларда юрадиган автомобилларига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлик ва транзит учун йиғимларнинг амалдаги ставкалари 50 фоизга пасайтирилади.

Белгилаб қўйилсинки, автотранспорт воситаси ҳайдовчисига Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан бериладиган белгиланган намунадаги йўналиш варақаси имтиёзли ставкани қўллаш учун асос бўлиб ҳисобланади. Йўналиш варақасида бўлиш муддатлари ва Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудидан Афғонистон ҳудудига боришнинг Термиз-Ҳайратон ўтиш йўли охирги пункт ҳисобланган ҳаракат йўналиши кўрсатилади.

4. Қуйидагилар:

Афғонистонга бораётган автотранспорт воситаларидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ва транзит учун тўлов бевосита божхона постларида эркин муомаладаги валютада ундирилиши, маблағлар белгиланган тартибда Республика йўл жамғармаси валюта ҳисоб рақамига ўтказилиши;

Афғонистонга борадиган юкларни темир йўл транспорти орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйича ташиганлик учун тўлов амалдаги тарифларга мувофиқ белгиланган тартибда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси томонидан ундирилиши;

тижорат юкларини Афғонистонга ташишга доир транспорт-экспедиторлик фаолияти ҳам мамлакатимизнинг, ҳам хорижнинг ихтисослаштирилган компаниялари томонидан амалга оширилиши маълумот учун қабул қилинсин.

5. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда Афғонистонга тижорат юкларини ташиш ва уларга кўрсатиладиган экспедиторлик хизматлари учун накд ва нақдинасиз шаклда эркин муомаладаги валютада ҳақ тўланиши тартибини бир ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

6. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасида ўтказиш пунктлари орқали Термиз-Ҳайратон кўпригида транспорт воситалари ва шахслар ҳаракатининг чегара ва божхона назоратини амалга ошириш тартиби»нинг амал қилиши тижорат юкларига ҳам жорий этилсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 31 январ



Самарқанд шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан янги «Ёшлар маданият саройи» барпо этилмоқда. Сарой қурилишида «Меҳнат» қурилиш комплекси бригадаси иш олиб бормоқда.

— «Армас» ижодий-меъморий устахона лойиҳаси асосида бунёд этилаётган ушбу марказда ёшлар театри, бизнес мактаби, компьютер зали ва бир неча тўгараклар фаолияти йўлга қўйилади.

Суратларда: пайвандчи Семён Бохан; қурилишдан лавҳа.

Т.НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.

«ТОЖМЕТАЛЛ» ЯРАТГАН ДАСТГОҲ

Андижондаги «Тожметалл» акциядорлик жамияти Тошкентдаги пахтачилик бўйича махсус илмий конструкторлик бюроси билан кўпдан бери ҳамкорлик қилиб келади. Қўлни қўлга бериб ишлаш яхши натижа бераётир: бу ерда яқинда чигитдан момиқ ажратиб берувчи ажойиб дастгоҳ яратилди.

Янги дастгоҳни ўз корхоналарида синаб кўрган Асака пахта тозалаш акциядорлик жамияти мутахассислари унга юқори баҳо бердилар. Пахта тозалаш корхоналарида ҳозир ишлаётган дастгоҳларнинг аллақачон «ошини ошаб, ёшини яшаб» бўлгани, эҳтиёт қисмларни топиш амри маҳол бўлиб қолгани назарга олинса, янгиликнинг қадр-қиммати янада ортади.

«Тожметалл»чилар шу кунда янги дастгоҳни оммавий равишда ишлаб чиқариш тадбирларини кўришмоқда.

Лавҳа

ҚАДР

«Сурхон» комбинати касаба уюшма қўмитасининг раиси Тўрахон Аҳмедов эрталаб ишга келганида уни ишчи Файзулла Жабборовнинг ўғли кутиб турарди.

— Отангнинг аҳволи дурустми? Хабар олиб турибсизларми? — сўради ундан Тўрахон.

— Раҳмат. Ҳийла дуруст, — жавоб қайтарди ўғил, — айниқса яқинда бориб, хабар олганингиздан кейин боши осмонга етди. Фақат бир нарсани илтимос қилди: касалхонада баъзи дорилар йўқ экан...

Касаба уюшмаси раиси йигит узатган қоғозни қўлга олиб, кўз югуртирди.

— Топишга ҳаракат қиламиз. Анқонинг уруғи эмасдир, ахир, — деди ва таниш дорихона мудирига телефон қила бошлади.

...Файзулла Жабборов комбинатда узоқ йиллар ишлаб, иззат-икром орттирган кишилардан бири. Яқинда у оғриб, касалхонага тушиб қолди. Бирор ҳафта ўтгач, комбинатнинг бош директори Хотам Улуғбердиев касаба уюшмаси раисини учратиб сўради:

— Файзулла акадан хабар оляпсизларми?

— Бугун бормоқчимиз, нимаики ёрдам бўлса, ҳаммамиз тайёрмиз. Ахир у кишининг комбинатга катта хизмати синган.

Ўша куни касаба уюшма раиси Тўрахон Аҳмедов ёнига уч-тўртта фаолни олиб, бемор ёнига борди. Бундай одамийликдан Файзулла ака обдон хурсанд бўлди. Кўзларида ёш кўринди.

«Сурхон» очиқ турдаги акционерлик жамияти Қумқўрғондагина эмас, балки, Сурхондарё вилоятида ҳам йирик саноат корхоналаридан бири саналади. Комбинатда уйларнинг томига ёпиладиган бетон плиталар, юқори босимли қувурлар, пойдевор блоклари ишлаб чиқарилади. Корхона маҳсулотларининг шуҳрати нафақат Ўзбекистон, балки қўшни МДҲ давлатларида ҳам кенг тарқалган.

— Бизда 240 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилади, — дейди корхона бош директори Ҳотам Улуғбердиев, — жамоа кучи билан йилига 350-400 миллион сўмлик иш бажарилади. Ишчиларимизнинг самарали, баракали меҳнат қилишлари учун қулай шароитлар яратиб беришда, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда касаба уюшмамиз фаол иш юритаётир. Шу боис ҳам мен комбинатимиз касаба уюшмаси раиси Тўрахон Аҳмедовни ўзимнинг ўнг қўлим деб ҳисоблайман.

Изоҳ бериб ўтиш лозимки, корхона маҳсулотларидан вилоятдаги кўпдан кўп қурилишларда, жумладан, уй-жой қурилишида, шунингдек, Ғузор-Бойсун-Қумқўрғон темир йўли қурилишида кенг фойдаланилмоқда.

Корхона касаба уюшмаси раиси Тўрахон Аҳмедовнинг сўзлари орқали ишчи-хизматчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар кўлами билан танишгач, беихтиёр бир нарсага ҳавасимиз келди: қани энди ҳамма корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда ҳам жамоа аъзолари учун «Сурхон» комбинатидагидек шарт-шароитлар яратилган бўлса! Мазкур ишлар ҳақида батафсил ҳикоя қилиб берганимиздан сўнг, аминмизки, сиз ҳам бизнинг фикримизга қўшилмай қололмайсиз.

Корхонада ҳар бир кишининг (у ким бўлишидан қатъий назар) 50 ёшга тўлиши катта тантана билан нишонланади. Маъмурият томонидан табрикномалар юбориш билан бирга ўша ходим 3 ойлик маоши ҳисобида мукофот пули олади. Ишчи ёки хизматчи ўзининг қутлуғ 60 ёшини нишонлаётганида эса 5 ойлик маош билан сийланади. Совға сифатида битта яхши Хива гилами ҳам тортиқ қилинади унга.

Мазкур комбинатда узлуксиз равишда ўттиз йил ишлаган киши ўртача уч ойлик маоши миқдорида рағбатлантирилади.

Сезиб турганингиздай, юқорида айтиб ўтганларимиз эсда қоларли, «думалоқ» саналарнинг нишонланиши, холос. Энди касаба уюшмаси раҳнамолигида йил давомида узлуксиз равишда олиб борилаётган ишлар ҳақида айтиб ўтамиз.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ***Ф А Р М О Н И***

СУҒУРТА БОЗОРИНИ ЯНАДА ЭРКИНЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Суғурта хизматлари соҳасидаги эркинлаштириш жараёнини янада ривожлантириш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, республикада суғурта бозорини тараққий эттиришнинг иқтисодий омилларини кучайтириш, суғурта ташкилотларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш мақсадида:

1. 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб, мулкчилик шаклларидан қатъи назар, суғурта ташкилотлари 3 йил муддатга даромад (фойда) солиғи тўлашдан озод қилинсин ва бунинг натижасида бўшайдиган маблағлар аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда мазкур ташкилотларнинг моддий-техника базасини ривожлантиришга, минтақаларда кенг тармоқли агентлик шохобчаларини ташкил этишга, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашга, шу жумладан, чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашга йўналтирилсин.

2. Қуйидагилар белгилаб қўйилсин:

солиқ олишдан бўшайдиган маблағларни таркибида давлат улуши бўлган суғурта ташкилотлари устав жамғармаларини кўпайтиришга йўналтириш чоғида мазкур маблағлар давлатга тегишли улуш миқдорига қўшиб ҳисобланади;

2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб тўрт йил мобайнида суғурта ташкилоти тугатилган ёки у суғурта фаолиятини тўхтатган ҳолларда даромад (фойда) солиғининг суммаси ушбу Фармонга мувофиқ берилган бутун имтиёзли давр учун тўлиқ миқдорда ундириб олинади.

3. Белгилаб қўйилсинки, юридик шахсларнинг ихтиёрий суғурта турлари бўйича сарф-харажатлари даромад (фойда) солиғини ҳисоб-китоб килиш чоғида қонунчиликда белгиланган меъёрлар доирасида солиққа тортиладиган база ҳисобидан чегириб ташланиши лозим.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ-1871-сонли Фармонининг 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Белгилаб қўйилсинки, 2002 йилнинг 1 февралидан бошлаб хўжалик юритувчи субъектлар харидорларга хизмат қиладиган банкларнинг кафолатлари ёки экспорт шартномаларининг сиёсий ва тижорат таваккалчиликларидан суғурта полиси мавжуд бўлган тақдирда олдиндан ҳақ олмасдан ва аккредитив очмасдан эркин алмаштириладиган валютага товарлар (ишлар, хизматлар)ни экспорт қилишлари мумкин».

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонунчиликка мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

6. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2002 йил 31 январ

Касаба уюшмалари бозор шароитида

Сурхондарё вилоятининг йирик туманларидан бири Деновда ўтган йил 44 минг тонна пахта, 38 минг тонна дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрланиб, шартнома режаси ошириб бажарилди. Бунда қўмита атрофига бирлашган 38 мингга яқин касаба уюшма аъзоларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор эди.

СЕРФАРЗАНД ОИЛАЛАРГА ҲАР ОЙДА ЁРДАМ

Шуни айтиш керакки, кейинги пайтларда касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари фаолияти кучаймоқда. Хўжалик, корхона, ташкилот ва муассасаларда 47 та бошланғич ташкилот бўлиб, ташкилотчилик, оммавий-маданий ишлар кўлами кенгаймоқда. Айниқса, «Сурхонозиқ-овқат», «Хайрабод», «Пахтасаноатсотиш» очиқ ҳиссадорлик жамиятлари, «Ҳазорбоғ», Собир Раҳимов, Амир Темур номли ширкат хўжаликлари техника ва меҳнат хавфсизлиги, қулай иш шароити яратиш, фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш масалаларига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Туманда 24150 нафар нафақахўр ва пенсионер бор. Уларга пенсия ва нафақалар ўз вақтида бериб борилмоқда. Ўзгалар парваришига муҳтож 97 нафар ёлғиз қария барча турдаги коммунал хизматлардан бепул фойдаланиб келишмоқда. 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлиқ таъминланган. Ижтимоий таъминот бўлими томонидан уларга 14 нафар патронаж ходим биркитилган.

Тумандаги «Бойгул», «Ҳабиба» хусусий фирмалари болаликдан ногирон бўлган тўрт нафар кишига ҳиммат кўрсатиб, ногиронлик аравачаси олиб бердилар.

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан кўп болали оилаларга 360 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган оилаларнинг 193 нафар болаларига 262 минг сўмлик кийим-кечак, оёқ кийим ва ўқув қуроли туҳфа этилди. Хотин-қизларга жами 3,5 миллион сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Кам таъминланган оилалардан 49 тасига 112 минг сўмлик гўшт, гуруч, ўсимлик мойи ва бошқа озиқ-овқат маҳсулоти тарқатилди. Боқувчисини йўқотган оилалардан 71 тасига 145 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Улардан 10 нафари касаба уюшмалари ҳомийлигига олинган. Серфарзанд оилаларга ҳар ойда 3 мингдан 5 минг сўмгача моддий ёрдам кўрсатиляпти.

Бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, корхона, ташкилот, муассаса ва хўжалик раҳбарларининг доимий эътиборида турибди. Биргина Охунбобоев номли ширкат хўжалиги бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси фуқароларга 17 миллион 935 минг сўмлик дон, 845450 сўмлик гўшт ва бошқа маҳсулотлар тарқатди. «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги меҳнаткашларнинг қарийб 5 миллион, Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги 4,6 миллион сўмлик электр энергияси, 4,7 миллион сўмлик газ тўловларини ўз зиммасига олди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Меҳнаткашларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларига ҳам жиддий аҳамият берилмоқда. Спортнинг ҳамма турлари бўйича мусобақалар ўтказиб борилянти. Охунбобоев номли ва «Ҳазорбоғ» ширкат хўжаликларида болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари мунтазам ишлаб турибди. Спорт усталаридан А.Сирожиддинов, С.Раматқулов, Э.Холмуродов, Т.Норбоев, Ҳ.Абдуллаевларнинг фидойилиги туфайли деновликлар вилоят мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаб келишмоқда.

И. ИСОМИДДИНОВ.

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

МАБЛАҒ АЙБДОРЛАР ҲИСОБИДАН

8-болалар боғчаси тарбиячиси Бибисулув Омонова ўз ишининг устаси. Бир неча бор Денов туман халқ таълими бўлимининг фахрий ёрлиқлари, пул мукофотлари билан тақдирланган. Шунга қарамай, боғча мудираси штат қисқарди баҳонасида уни вазифасидан озод этди.

Шунда Б.Омонова Денов туман таълим ва фан ходимлари касаба уюшма қўмитасига шикоят хати йўллади.У боғча мудираси адолатсизлик қилгани, ноқонуний тарзда ишдан бўшатгани ҳақида далилларни кўндаланг қўйди.

Ҳақиқатан ҳам Денов туман Халқ таълими бўлимининг бош иқтисодчиси Н.Ниёзов ҳамда 8-болалар боғчаси мудираси Х.Жўраевалар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 110-моддаси 1,2-бандларини бузиб, тарбиячини ноҳақ қисқартиришга туширишган. Аввало, иш ўрни қисқарганлиги ҳақида ҳеч қандай ҳужжат тайёрланмаган ва тушунтириш ишлари олиб борилмаган. Натижада шикоятчи ўтган йилнинг етти ойи учун қонуний ҳақини ололмай сарсон бўлган.

Ҳақиқат қарор топди. Тармоқ касаба уюшма қўмитаси Б.Омоновани ўз жойига ишга тиклаб, ойлик маошларини туман халқ таълими бўлими иқтисодчиси Н.Ниёзов, ҳисобчи У.Шоймардонов ҳамда 8-болалар боғчаси мудираси Х.Жўраевалар ҳисобидан ундириш тўғрисида ёзма кўрсатма берди.

Ш. РУСТАМОВ.

Техника хавфсизлиги

ИШ ЎРНИ АТТЕСТАЦИЯДАН ЎТДИ

Олмаликдаги «Аммофос» ишлаб чиқариш бирлашмаси нафақат Ҳамдўстлик мамлакатлари, балки хорижий давлатларда ҳам ўз маҳсулотлари билан танилган. Бугунги кунда бирлашма цехларида 26 минг нафардан ортиқ турли миллат вакиллари бир оила фарзандларидек меҳнат қилмоқдалар. 412 нафар зарарли ишларда ишловчиларга хавфсиз шарт-шароитлар яратиб бериш маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг доимий диққат-эътиборида.

Ускуналарни янгилаб бориш, замонавий технологияни жорий этиш, иш ўринларида ҳаво алмаштириш ва ёритиш тармоқларининг узлуксиз ишлаб туришини таъминлаш масаласи йилига икки марта жамоа шартномасининг бажарилишига бағишлаб ўтказиладиган йиғилишларда алоҳида муҳокама этилади ҳамда қабул қилинган қарорларнинг ижроси назоратга олинади.

Шартнома асосида ишлаётган аёллар, вояга етмаганлар меҳнатига оид бандлар Меҳнат Кодексининг 228-моддаси асосида тузилган бўлиб, бунга амал қилиниши меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича касабақўмда ташкил этилган 9 кишилик назорат гуруҳи ҳамда маъмуриятнинг 15 кишидан иборат жамоатчилик гуруҳи томонидан мунтазам назорат қилиб борилади. Иш жойларида хавфсизлик тадбирларини ўтказиш учун 2000 йилда 45 миллион 352 минг сўмлик иш бажарилди. Ўтган йилда эса фақат реконструкция ишлари учун 21 миллион 345 минг сўмлик маблағ тўла ўзлаштирилди.

Хавфсиз иш ўринлари яратиш билан бир қаторда ишчиларнинг, айниқса, зарарли ишларда меҳнат қилаётган аёлларга кенг қамровли, қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Шу мақсадда махсус комиссия томонидан ҳар бир иш ўрни аттестациядан ўтказилиб, санитария-техник ҳолатлар ўрганилди ва ҳар бир иш ўрни паспортлаштирилди. Бунда корхона қошидаги санитария лабораториясининг хулосаси ҳам ижобий рол ўйнади. 11981 та кимёвий текширишлардан 7584 таси бевосита иш жойларида ўтказилди. Натижада ўтган йили ишлаб чиқаришда техника хавфсизлигига оид биронта кўнгилсиз ҳодиса юз бермади.

Корхонада аёллар фақат кундузги сменада, оғир юк кўтаришдан ҳоли, зарарли моддалар белгиланганидан ортиқ бўлмаган иш жойларида меҳнат қилишаётир. Ҳимоя воситаларидан бири бўлган махсус кийим-кечаклар учун 3 миллион 216 минг сўм ажратилгани ҳам ушбу масалага жиддий аҳамият берилаётганидан далолатдир.

Маъмурият ва касаба уюшма қўмитасининг асосий эътибори эскирган техникаларни янгилаш, автоматик жараёнларни такомиллаштириш ва шу асосда ишчи-хизматчилар меҳнатини енгиллаштиришга қаратилган. Ушбу жараёнда аёлларнинг ишлаш ва дам олишлари учун янада кўпроқ қулайликлар яратилади.

Айни пайтда дам олиш, гигиена хоналари, душхона, тиббиёт пунктлари, ошхона, қаҳвахоналар ҳам улар хизматида. Бундай тармоқлар «Техника хавфсизлиги куни»да кўрикдан ўтаяпти. Ҳар ойнинг иккинчи сешанбасида касаба уюшма ташкилоти комиссияси бу тадбирда фаол иштирок этиб, кўрик якунида ишни яхшилаш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини, таклифларини ўртага ташламоқда.

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан ташкил этилган муҳим тадбир ҳозиргача давом этиб келмоқда. Чунончи, улар соғлиғини мустаҳкамлаш учун ҳар ойда 100 минг сўмдан маблағ сарфланмоқда. Бирлашма санаторий-профилакторийлари ҳамда «Чимён» соғломлаштириш масканларида она ва боланинг биргаликда даволанишлари ташкил этилгани ҳам айни муддао бўлди. Корхона даволаш шоҳобчасида ўтказиладиган махсус тиббиёт кўригида касаллиги аниқланган аёллар алоҳида ҳисобга олиниб, йил мобайнида бепул даволанишига эришилмоқда.

Ёш оилаларга биринчи фарзанд кўрганларида мукофот тариқасида корхонада бир ойлик ўртача иш ҳақи миқдорида ёрдам пули берилмоқда. Кам таъминланган оилаларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётган фарзандларига ёрдам пули ажратилади. Шу мақсад учун 3 миллион сўм сарфланди.

Темур ҲАЙДАРОВ,
«Ишонч» мухбири.

Бекобод шаҳридаги «Рустамбек» хусусий кичик корхонаси мана етти йилдирки ўз мижозларига эга. Бу ерда аҳолига тикувчилик цехи, сартарошхона намунали хизмат кўрсатаётир.

Бундан ташқари, тикувчилик цехи қошида очилган тўрт ойлик ўқув курсида 20 га яқин қизлар ҳунар ўрганишмоқда. Бу ердаги ишлар намунали йўлга қўйилганлиги туфайли вилоятда ўтказилган «Ташаббус-2001» кўрик танловида корхона ғолиб деб топилди.

Суратларда: 1. Моҳир ишчилар У.Мирзаева, Д.Алматова, Ш.Аҳматова. 2. Мураббий С.Убайдуллаева (ўнгда) шогирди Р.Бўронова билан.

И.ҲАСАНОВ олган суратлар.

Ғиждувон шаҳрида аҳоли тиғиз яшайди. Пахта тозалаш заводи эса шаҳарнинг қоқ марказида жойлашган. Бир пайтлари аҳоли саломатлиги ва шаҳар экологиясига эътибор ҳаминқадар бўлганини шундан ҳам билса бўлади.

ЗАВОД ШАҲАР ТАШҚАРИСИГА КЎЧИРИЛАДИ

Эндиликда завод шаҳар ташқарисига кўчириладиган бўлди. Бухоро вилояти ҳокимининг қарорига биноан тумандаги Ибн Сино номидаги ширкат хўжалиги ҳудудидан янги завод қурилиши учун 17,5 гектар майдон ажратилди. Айни кунларда йилига 50-55 минг тонна пахтани қайта ишлайдиган завод қурилиши бошлаб юборилди. Янги корхонани барпо этишга «Ўзпахтасаноат» уюшмаси Бухоро вилоят ҳудудий бирлашмаси, «163-қурилиш трести» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари жалб этилди.

(ЎзА).

(Боши 1-бетда).

ҚАДР

Ўтган йил мобайнида ишчи-хизматчиларга 1,5 миллион сўмга яқин миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Ҳар йили акциядорлик жамияти аъзоларининг 70 нафарга яқин фарзандлари Узун туманидаги Қулниёзов номли болалар оромгоҳида дам олиб қайтадилар. Изоҳ бериб ўтиш жоизки, оромгоҳга битта йўлланманинг нархи 12 минг сўм атрофида. Болалар бепул дам оладилар: йўлланма пулининг ярмини комбинат, қолган қисмини эса касаба уюшмаси ўз зиммасига олган.

Комбинатда ишлаб пенсияга чиққанлар, шунингдек, уруш қатнашчиларига ҳар бир байрам арафасида 5 минг сўмдан ёрдам пули берилади.

Яна бир нарса ҳақида ҳам айтиб ўтмоқ лозим. Корхонада ишлаётган, ёшларнинг никоҳ тўйларига 5 минг сўмдан, суннат тўйини ўтказаётган, шунингдек, қиз узатаётган ва келин тушираётган ишчи-хизматчиларга эса энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдорида ёрдам пули тақдим этилади.

— Ишчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳақида ҳам билиб қўйсак яхши бўларди...

— Марҳамат. Ишчиларимиз йил давомида бепул кийим-бош, махсус қўлқоп билан таъминланадилар, — дейди сўзида давом этиб касаба уюшмаси раиси, — очиқ ҳавода ишлаётганларга ойлик маошининг 20 фоизи миқдорида ҳақ қўшиб берилади. Цехларда ишлаётган ишчиларга тушлик овқат бепул тарқатилади. Барча одамларимизни махсус автобуслар иш жойига бепул олиб келиб, ишдан сўнг уйларига олиб бориб қўядилар. 100 ўринли профилакторий, сауна қишин-ёзин жамоа аъзолари хизматида.

Тўғри, юқорида айтиб ўтилган рағбатлантиришлару имтиёзлар учун озмунча маблағ талаб қилинмайди. Улар қайси манбадан олинади? Бу саволга бир оғиз сўз билан «Жамоа аъзоларининг ишлаб чиқаришдаги фаоллиги ўсиши, бинобарин, меҳнат самарадорлиги ва унумдорлигининг тобора ортиб бориши ҳисобидан», дея жавоб қайтариш мумкин. Комбинат ўтган йили деярли 500 миллион сўмлик иш бажариб, кўзланган режани мўлжалдагидан анча ортиғи билан адо этди. Юқорида эслатиб ўтганимиз каби комбинат маҳсулотларига узоқ чет эл давлатларининг ҳам қизиқиши тобора ортиб бораётир.

— Давлатимиз раҳбари томонидан 2002 йилнинг «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилинганлиги, янги йил бошланиши биланоқ фуқароларни, шу жумладан, қарияларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш юзасидан муҳим ҳужжатлар қабул қилинганлиги биз тўғри йўлни танлаб олганлигимизни кўрсатиб турибди, — дейди касаба уюшмаси раиси Тўрахон Аҳмедов, — биз бундан кейин ҳам жамоамиз аъзолари, ишчи-хизматчиларимизни меҳнатига яраша тақдирлаш, уларни ҳар томонлама ҳурматлаб, эъзозлашни, ижтимоий муҳофаза қилишни ўз фаолиятимизнинг асосий йўналиши деб биламиз.

Қодиржон СОБИРОВ.

ЧЎЛДА СУВ ҚУВУРЛАРИ

Қишлоқда инфратузилмани шакллантиришда Навоий вилоятида ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, аҳолининг табиий газга бўлган талабини қондириш мақсадида режадаги 100 километр ўрнига қарийб 106 километр масофага газ қувурлари ётқизилди. Бу кўрсаткич Қизилтепа туманида 33,6, Навбаҳор туманида 12,2 километрни ташкил этди. Ишнинг асосий қисми хўжаликлар маблағи ҳисобига тўғри келди. Эришилган ютуққа вилоят ҳудудий коммунал фойдаланиш бирлашмасининг капитал қурилиш бошқармаси, вилоят якка уй-жой қурилиш бошқармаси, Навоий тоғ-кон металлургия комбинати, «Навоийцемент» сингари корхоналарнинг ҳиссаси катта бўлди.

Шунингдек, вилоятда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда белгиланган режа 50 километр ўрнига 54,4 километрга бажарилди. Шундан 24,3 километри хўжаликлар ҳисобига тўғри келди. Нурота ва Қизилтепадаги хўжаликлараро сув иншоотлари шулар жумласиндандир.

Жорий йилда, айниқса чўл ҳудудидаги аҳолини ичимлик суви билан таъминлашга катта эътибор қаратилган.

Я.САРИЕВ,
«Ишонч» мухбири.

ЯНГИБОЗОРНИНГ ЯНГИ БОЗОРИ

Пешку туман маркази Янгибозор деб аталса-да, бозори эски эди. Исталган нарса муҳайё бозорда бир нарса - қишлоқдан келган деҳқонга шароит йўқ эди, холос.

Мутасадди ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли туман марказининг энг гавжум жойида барча қулайликларга эга янги бозор қуриб битказилди. Усти ёпиқ ва ёзги расталар, савдо дўконлари, умумий овқатланиш шоҳобчалари, автомобиль тўхташ жойлари ва бошқа қатор иншоотларга эга бу савдо-сотиқ маскани туман маркази чиройига-чирой қўшди.

Раҳбарнинг маънавий қиёфаси

КАДРЛАР ҚЎНИМСИЗЛИГИГА КИМ САБАБЧИ?

Когон тумани меҳнат бўлимининг собиқ бошлиғи Шоира Изомова эгаллаб турган лавозимидан бўшатилганидан сўнг ҳам отдан тушса-да, эгардан тушгиси келмади.

У 1999 йилда ишга қабул қилинганди. Аммо, бу лавозимда узоқ ишлолмади. Ўтган йилнинг апрелида хизмат вазифасини мунтазам суиистеъмол қилгани учун ишдан бўшатилди. Бундан олдин эса бўлим ҳисоботларини ўз вақтида топширмаганлиги ва ишни ташкил эта олмаганлиги учун ҳайфсан олганди. Лекин, юқоридагилардан тегишли хулоса чиқариш ўрнига...

Белгиланган режа асосида бўлим фаолияти билан танишган туман прокуратураси 2000 йилда Ш.Изомовага нисбатан интизомий ҳуқуқбузарликка доир иш қўзғади. Боиси, у раҳбарлик лавозимидан фойдаланиб, кўплаб ҳужжатларни қалбакилаштирган.

Раҳбар ходимлар ўртасида тарбиявий профилактик ишларни тўғри йўлга қўйиш масъулиятини унутди. Бир йил давомида 10 нафар ходимни ишга қабул қилиниб, 9 нафарининг ишдан бўшатилганини қандай изоҳлаш мумкин?

Оқибатда кадрлар қўнимсизлиги юзага келди. Масалан, 4 нафар ҳисобчини ўзи ишга қабул қилиб, сўнгра улар билан «хайр-хўш» қилгани молиявий ҳисоб-китоб ишларига таъсир этмай қолмади. Бўлимда ходимларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этиладиган моддий ёрдам ҳамда рағбатлантириш жамғармасини шакллантириш имконияти ҳам бой берилди. Ходимлар кўплаб имтиёзлардан маҳрум бўлгач, турли идораларга шикоят йўллашга мажбур бўлдилар.

Ҳамма гап шундаки, бўлим раҳбари амал курсисига ўтиргач, шартнома шартларига риоя қилишни ўзига эп кўрмади. Жумладан, бўлим бошлиғи тегишли идораларга тақдим қилинадиган ҳисобот, маълумотнома ва бошқа таҳлилий материалларнинг ўз вақтида топширилишини таъминламади. Хатто бўлимнинг иши тўғрисидаги ҳисоботларни бошқармага тақдим этиш каби мажбуриятларни ҳам бажармади.

Шунча ишлардан сўнг унинг фаолиятига жамоа тегишли баҳо берди. Меҳнат шартномасини бекор қилиш жараёнида касаба уюшмаси розилиги олинган бўлишига қарамай Ш.Изомова «юғуриш»ларни афзал кўрди. У аввалига ҳокимлик идораларидан «мадад» кутди. Сўнгра вилоят касаба уюшмаларига ва прокуратурага мурожаат этди. Улардан: «Ҳаммаси қонун доирасида ҳал қилинган», дейилган жавобларни олгач ҳам суд идоралари томон қатнашни канда қилмади.

Ф.Хўжаев туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди Ш.Изомованинг даъво аризаси асосида ишни холисона кўриб чиқиб, унинг талаблари асоссиз, деган хулосага келди. Аммо суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлган Ш.Изомова яна қўлига қалам олди.

Бу гал у Бухоро вилоят фуқаролик ишлари бўйича суди ҳайъатидан «нажот» кутди. Шу мақсадда Ф.Хўжаев туман прокуратурасидан биринчи босқичдаги суд қарорига протест киритишларини сўради.

Қизиқ? Кечагина суд мажлисида меҳнат бошқармаси томонидан қабул қилинган қарор ва буйруқ қонун асосида ўринли ва адолатли қабул қилинганлиги сабабли Ш.Изомованинг даъвосини қаноатлантиришга асос йўқлигини эътироф этган прокуратура орадан озгина вақт ўтар-ўтмас тескари йўл тутди.

Ўз манфаатини жамоа манфаатидан юқори қўювчи, манмансираган раҳбарни ҳимоя қилиш кимга керак бўлиб қолди экан?

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири.

Меҳру оқибат

ЖАМОАТ НАЗОРАТИ ЎРНАТИЛДИ

Фориш туманида 11365 нафар пенсионер яшайди. Ногиронларга туман ҳокимлиги қарори билан ҳомийлар биркитилган бўлиб, йил давомида уларнинг ҳолидан хабар олиб турилади, имкон даражасида моддий ёрдам кўрсатилади.

Фахрийлар учун республикамизнинг тарихий жойларига бепул саёҳатлар уюштириляпти. Айрим пенсионерлар, уруш қатнашчиларининг маъракалари, ногирон ва етим болаларнинг суннат тўйлари ҳомийлар томонидан ўтказилмоқда. Имом ал-Бухорий зиёратгоҳига борган кишилар 175 минг сўмлик совға-саломлар билан сийланди. Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни уруш қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига 20 минг сўмгача ёрдам кўрсатиляпти. Яқинда эса улар етакчилигида туман марказида Она ҳайкали қад ростлади.

Қариялар мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни тарғиб этишга, қадимий бой меросларимиздан туман аҳолисини баҳраманд этишга муносиб ҳисса қўшишяпти. Тўй-маъракаларнинг эсда қоларли ўтишида нуронийлар бош-қош. Бу ишда 21 та жамоатчилик маркази фаоллик кўрсатаяпти. Фахрийлар кўп бўлган жойларда жамоатчилик маркази тузиш режалаштирилган.

Ўтган йилдан эътиборан бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан жамоат назорати йўлга қўйилди. Бу масала билан жамғарма қошида тузилган комиссия шуғулланмоқда ва жойларда ишни яхшилаш учун тегишли ёрдам берилаётир.

Туман «Нуроний» жамғармаси кенгаши уруш ва меҳнат фахрийларига, ногиронларга, ёрдамга муҳтож қарияларга ғамхўрлик кўрсатишни яхшилаш учун 2002 йилги иш режасини белгилаб олди.

Алибой ЭРГАШЕВ.

Янада чирой очади

Тез орада Наманган шаҳрининг марказий қисми бутунлай ўзгаради. Аввалги пахта заводи ўрнида ёшлар мажмуи қад ростлайди. Қурилиш ташкилотчиларининг фикрича, 50 гектарга яқин майдонда иккита институт, академик лицей бинолари, спорт мажмуи ва истироҳат боғи бунёд этилади.

Ҳозирдаёқ ёшлар мажмуини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Шу билан бирга, янги мажмуа қурилиши яқинида жойлашган Наманган шаҳрининг асосий майдонларидан бирини таъмирлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Майдон марказида ўрнатилган фавворалар, кўплаб гулзорлар унинг ҳуснига ҳусн қўшади.

Денов туманидаги Амир Темур номли ширкат хўжалиги ҳудудида яшовчи фуқаро Чори Шаймардоновни кўпчилик яхши билади. У ер билан тиллашган деҳқон. Шу боисдан ҳам кўпчилик унга тезроқ фермер хўжалиги ташкил этишини маслаҳат берарди.

Ислоҳот йўлидаги ғов

ДАЪВО АРИЗАСИ ҚАНОАТЛАНТИРИЛДИ...

Ниҳоят, И.Шаймардонов номли фермер хўжалиги ташкил топди. Ўз навбатида мазкур хўжалик деҳқончилик ва боғдорчиликдан юқори ҳосил олиб, белгиланган шартнома режаларини ошириб бажарди. 2000 йилги ҳосилдан тумандаги «САВБ» (Саидов Абдуғани ва бошқалар) ҳиссадорлик жамиятига шартнома асосида узум топширди-ю, тинчи бузилди. Чунки, жамият раҳбарлари маҳсулотнинг бир қисми учун пулни фермернинг ҳисоб рақамига ўтказишди-ю, қолганини кейин ўтказишни маълум қилишди. Чорининг сарсон бўлиши ана шундан кейин бошланди.

Фермер қўл остидагиларга ойлик маош бериши керак-ку, ахир. Кассада бўлмаса қаердан олади? Шу сабабли у жамият раиси Ш.Ҳамроевга деярли ҳар куни қатнади. Бироқ у: ҳисобимизда пул йўқ, пул тушиши билан ўтказамиз, дейишдан нарига ўтмади. Ҳолбуки, ўтган вақт мобайнида ҳиссадорлик жамиятининг ҳисоб рақамига бир неча миллион сўмлаб маблағ тушса ҳам фермердан қарзини ўзишни ўйлаб кўрмади.

Фермер хўжалиги раҳбари ўтган йилнинг 22 январида ҳиссадорлик жамияти раисига яна шу ҳақда ёзма равишда мурожаат этди. Аммо, бу уриниш ҳам зое кетди. Орадан тўрт ой вақт ўтгач, Ч.Шаймардонов жамиятнинг янги раиси Б.Бакировга огоҳлантириш хатини жўнатди. Қарз қисқа вақт ичида қайтарилмаса, вилоят хўжалик судига мурожаат қилишга мажбур эканлигини ҳам қўшиб қўйди. Афсуски, бу хат ҳам эътибордан четда қолди.

Шундан сўнггина фермер хўжалиги бу муаммони Сурхондарё вилоят хўжалик суди орқали ҳал этишни лозим топди.

Ишни одилона кўриб чиққан суд даъвогарнинг ҳиссадорлик жамиятидан 2.232.285 сўмни ундириш тўғрисидаги даъво аризасини қаноатлантирди.

Шунча югур-югурлардан кейин ҳақ ўз жойида қарор топгандан хурсанд бўлган фермер яна ғайрат билан ишга киришди. Бироқ, «САВБ» ҳиссадорлик жамияти раҳбарияти вилоят хўжалик судининг ажримини ҳали-ҳануз бажармасдан келмоқда. Амалдаги қонунларимизда қатъий белгилаб қўйилганидек, суднинг қарори сўзсиз ижро этилиши керак. Бироқ, қачон?

Рустам ДАВЛАТ,
«Ишонч» мухбири.

ЖАМОА ШАРТНОМАСИ:

«МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ» БЎЛИМИ ЮЗАСИДАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАЛАРИГА ТАВСИЯНОМА

Иш берувчининг мажбурияти

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирлар ўтказиш учун иш берувчи 20____йилга_____минг(миллион) сўм ажратиш мажбуриятини олади, уларни ишлаб чиқаришлар бўйича тақсимлаб чиқади:

цех(бўлим, ишлаб чиқариш)_____минг(миллион) сўм ва ҳ.....

Маблағларнинг сарфланиши устидан назорат қилиш қуйидагиларга юклатилади:

Иш берувчидан _____

Касаба уюшма қўмитасидан_____

Меҳнат муҳофазаси бўйича битим (уларни амалга оширишга доир тадбирлар режаси ва сарф-харажатлар сметаси) жамоа шартномасига илова қилинади

2. Ҳар бир жойга мослаб иш шароити тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб-қоидалар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнатни ташкил этиш ва унинг хавфсизлиги, биринчи навбатда меҳнат ҳамда дам олиш тартиби, ходимларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишга оид меъёрий талабларни ўз ичига олиши керак. Иш шароити тартиб қоидалари _____ йилга мўлжаллаб ишлаб чиқилиши, ҳар йили ходимларнинг _____фозини қамраб олиш керак. Иш берувчи ходимларнинг меҳнат жараёни мазмунининг ўзгариши, меҳнат шароитига бўлган талаб-эҳтиёжларининг ортиши муносабати, ходимлар соғлигини муҳофаза қилиш ва уларнинг доимий меҳнатга қобилиятларини сақлаб қолиш мақсадида белгиланган меҳнат шароити талабларига мунтазам равишда зарур ўзгартишларни киритиб бориш мажбуриятини олади.

3. Ходимнинг иш жойидаги меҳнат шарт-шароитларига нисбатан бўладиган меъёрий талаблардан, шунингдек бу шарт-шароитларнинг ҳақиқий аҳволидан ҳар бир ишловчини муттасил хабардор қилиб бориши керак. Булар ишлаб чиқариш муҳити, меҳнат ва дам олиш тартибларига, имтиёз ҳамда компенсациялар, шахсий ва жамоа ҳимоя воситаларига бўлган талабларга қандай амал қилинаётганлиги тўғрисидаги ҳақиқий аҳволга доир маълумотлардан иборат бўлиши керак.

Юқорида кўрсатиб ўтилган маълумот ходимларнинг илтимосига кўра ҳар бир ходимга берилиши керак.

4. Давлат, тармоқ ва республика стандартларига эга бўлмаган иш жойлари, асбоб-ускуналар бўйича меҳнат хавфсизлиги стандартларини ишлаб чиқиш (МХСАҚ). Меҳнат хавфсизлиги стандартларига қатъий ва аниқ амал қилиш устидан назоратни олиб бориш корхона техника хавфсизлиги хизмати зиммасига юклатилади.

5. Биринчи февралгача ишлаб чиқаришдаги шикастланиш ва касб касалликларини таҳлил қилиб чиқиши, ўтган йилдаги меҳнат муҳофазасини яхшилаш юзасидан комплекс режанинг ва санитария-соғломлаштириш тадбирларининг қандай бажарилганлигига якун ясалиши лозим. Буйруқ-қарор (касаба уюшмаси қўмитаси билан биргаликда) чиқарилади, унда келгуси йилда бахтсиз ҳодисаларнинг, касб касалликларининг ва заҳарланишларнинг олдини олиш юзасидан тегишли бўлинмалар (цех, участка ва ҳ.) олдига аниқ вазифалар қўйилиши, уларнинг бажарилиши таъминланишини назоратга олади.

6. Келгуси йил жамоа шартномасининг бўлимини тайёрлаш борасида барча иш жойларида меҳнат шароити бўйича экспертиза ўтказилиши ва 1 февралгача иш шароитларининг санитария-техник аҳволига оид паспорт тўлдирилади. Белгиланган тадбирларни бажариш учун зарур асбоб-ускуналар ва материаллар спецификацияси биринчи мартгача тузиб чиқилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бўлинмага топширилади, молия бошқармасига эса уларни маблағ билан таъминлаш топширилади.

7. Техника хавфсизлиги хоналари, меҳнат муҳофазаси бурчаклари учун ўқитишнинг техник воситаларини, ўқув ва кўргазмали қуролларни, тарғибот-ташвиқот воситаларини, плакатлар, хотира қўлланмалари ва ҳоказоларни сотиб олишни ташкил қилади.

8. Корхонани қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш билан боғлиқ ҳамма тадбирлар 1 октябргача бажарилиши керак.

9. Санитария-маиший биноларнинг узлуксиз ишлашини ва уларнинг тегишли ҳолатда сақланишини таъминлайди (қайси бино, хоналарнинг таъмирланиши, реконструкция қилиниши, ёки янгисининг қурилиши бўлинмалар бўйича аниқ кўрсатиб берилиши керак)

10. Ўта хавфли ва зарарли шароитларда ишлаган ходимларга амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси асосида қўшимча меҳнат таътили берилиши ва қисқартирилган иш куни белгиланиши керак, шунингдек бепул даволаш-профилактик таом берилиши лозим (илова 1).

11. Зарарли меҳнат шароитида ишлаганларга амалдаги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексига мувофиқ қўшимча таътил берилиши ва қисқартирилган иш куни белгиланиши, шунингдек бепул сут берилиши керак (илова 2):

— сут бериладиган иш жойлардаги ҳавонинг, муҳитнинг ифлосланишини тугатиш меҳнат шароитини санитария-гигиена норма ва қоидалари талабларига тўла мувофиқ келтириш юзасидан самарали чора-тадбирлар кўриш мажбуриятини олади;

— белгиланган тадбирлар ва уларни амалга ошириш муддатлари кўрсатилган рўйхатни касаба уюшмаси органига 20___ йилнинг _____гача топшириш мажбуриятини олади.

12____сонли иловага мувофиқ ишловчиларга махсус кийим-бош, пойабзал ва шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситалари ўз вақтида берилиши керак.

Зарур миқдордаги махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситаларига бўлган буюртманома ўз вақтида, муддатида (1 мартдан кечиктирилмасдан) тузилиши ва уларнинг етказиб берилишини таъминлаш тегишли бўлинмага, молия бошқармасига эса маблағ билан таъминлаш топширилиши керак.

Махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шахсий ва бошқа ҳимоя воситаларининг омборга келтирилган ҳар бир партиясининг фақат иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси вакилларидан тузилган комиссия иштирокида иш ва касб турлари учун тегишли сифат сертификати бўлсагина қабул қилиб олиши керак.

Ходимнинг айбисиз муддатидан олдин яроқсиз ҳолга келган махсус кийим-бош ва махсус пойабзал ўрнига янгиси ёки ямаб-тузатилгани билан алмаштирилиб берилиши керак.

Белгиланган ҳимоя воситаларисиз ходимлар ишга қўйилмаслиги керак, уларнинг яхши сақланиши ва ўз вақтида таъмирланиши таъминланиши лозим.

13. Ишлаётганлар белгиланган тартибда газлаштирилган сув билан таъминлашини керак (маблағ бўлса бошқа соғломлаштирувчи ичимликлар — чой, настойка ва ҳоказоларни бериш кўзда тутилиши мумкин).

14. Корхона ҳудуди ҳамиша саранжом-саришта ҳолда сақланиши лозим, ўтиладиган жойларнинг оралиқлари аниқ белгиланган бўлиши, уларга қатъий амал қилиниши, корхона ичидаги ва бўлимлардаги транспортдан фойдаланишда уларнинг хавфсизлиги таъминланиши керак.

15. Мансабдор шахслар, инженер-техник ходимлар меҳнат муҳофазаси, технологик интизом талаб-қоидаларига, режали-огоҳлантирувчи таъмирлаш ишлари, вентиляция ва аспирацияларнинг узлуксиз ишлаш жадвалларига қатъий амал қилишлари керак. Бузилган асбоб-ускуналарнинг ишлашига йўл қўйилмаслиги лозим. Меҳнат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида асбоб-ускуналар ўз вақтида текширилиб туриши керак.

16. Корхона ходимларининг йилига бир марта тиббий кўрикдан ўтишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитлар яратилиши керак.

17. Корхонада малакали хотин-қиз мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг оналик вазифасини ўз иши билан қўшиб олиб боришига имкон берадиган зарур шарт-шароитларни яратиб бериш мақсадида иш берувчи ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

— иш жойлари қисқариши муносабати билан ишдан бўшатилиши керак бўлган хотин-қизлар учун вақтинчалик иш жойлари ташкил қилиниши керак (бошқа корхонадаги иш жойларини вақтинча ижарага олиш, корхонада ва регионда юзага келаётган вазифалар, муаммоларни ҳал қилиш учун вақтинчалик меҳнат жамоаларини, кичик корхоналарни барпо этиш ва бошқалар);

— хотин-қизлар меҳнатидан корхоналарда вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаганда касаначиликни ташкил қилиш;

— ишлаб чиқариш ҳажмини қисқариши муносабати билан малакали хотин-қизлардан ташкил топган ишлаб чиқариш бўлинмаларини уларнинг розилиги билан тўла бўлмаган иш кунига ўтказиш;

— меҳнатидан вақтинча фойдаланиш мумкин бўлмаган хотин-қизларга уларнинг розилиги билан иш ҳақи сақланмаган ҳолда меҳнат таътили бериш, ўша даврда банд бўлиши учун унга ёрдам (корхона имкониятларидан келиб чиқиб) қилиш;

— корхона (структуравий бўлинма) реконструкция қилинганидан кейин бу ерда илгари ишлаб кетган ва қайтиб келишни истаган хотин-қизлар биринчи навбатда ишга олиниши керак, зарурат бўлганда улар қайта ўқитилишини ташкил қилиш;

— ҳомиладор ва уч ёшга тўлмаган болалари бўлган аёлларни иш вақти 8 соатдан ошадиган ишларга жалб этмаслик;

— ҳомиладор аёллар тиббий текширишдан ўтишлари учун (агар бундай текширишлар ишдан ташқари вақтда ўтказишнинг иложи бўлмаса) уларни иш ҳақини сақлаб қолган ҳолда иш вақтида ўтишлари учун рухсат бериш;

— цехларда психологик жиҳатдан енгиллаштириш кабинетлари, соғломлаштириш комплекслари ташкил этиш керак.

Касаба уюшма қўмитаси мажбуриятлари

1. Меҳнат муҳофазаси бўйича комиссия таркиби тасдиқланиши, фаоллар ўқуви (ўқитиш муддати ва дастури кўрсатилиши керак) ўтказилиши керак.

2. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссияси аъзолари ёрдамида инженер-техник ходимлар, хизматчиларнинг меҳнат муҳофазаси талабларига қандай амал қилишаётганлиги устидан доимий назорат ўрнатилиши керак.

3. Касаба уюшмаси қўмитаси мажлисларида махсус уст-бош махсус пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа воситаларига бўлган буюртманомалари кўриб чиқилиши керак, бу тадбир буюртма корхонанинг моддий-техник таъминот органларига ўтказилмасдан аввал қилиниши лозим.

4. Ишчилар ва хизматчиларга бериладиган махсус кийим-бош, махсус пойабзал ва шахсий ҳимоя бошқа муҳофаза воситаларининг бутунлиги, ишга яроқлиги, улардан албатта фойдаланиши назорат қилиниб борилиши керак.

5. Меҳнат муҳофазаси вакиллари ва меҳнат муҳофазаси комиссиясининг таклифлари бўлимларда, участкаларда ва бошқа иш бўлинмаларда, хўжалик раҳбарлари томонидан қандай бажарилаётганлиги муттасил текшириб борилиши, уларнинг мумкин қадар кўпроқ амалга оширилишига эришиш керак, фаоллар таклифларига бефарқ қараган мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш масаласи қўйилиши керак.

6. Жамоа шартномаси ва унинг битим бўлимлари лойиҳалари бўйича таклифларни тўплаш ташкил қилиниши ва улар цех, бўлим, участка ва бошқа бўлинмалар меҳнат жамоалари мажлисларда муҳокама этилиши керак.

7. Цехда меҳнат муҳофазасининг аҳволи текширилаётган, меҳнат муҳофазаси кунлари, ишлаб чиқариш маданияти кунлари ўтказилаётган вақтда жамоа шартномалари ва битимларининг умумкомиссия томонидан қандай бажарилаётганлиги текширилиши керак.

Иш берувчи ва касаба уюшма қўмитасининг ўзаро мажбуриятлари

1. Томонлар шундан келиб чиқадики, касаба уюшмаси органи янги технология ва асбоб-ускуналарнинг меҳнат муҳофазаси талабларига жавоб бериш-бермаслиги юзасидан ўтказиладиган ҳар қандай давлат экспертизаларида қатнашиш ҳуқуқига эга, у иш шароитининг ходим соғлигига қандай таъсир қилишини аниқлаш мақсадида ўз мустақил экспертизасини ўтказиши мумкин ва бу ишга бошқа ихтисослашган ташкилотлар ёки тегишли мутахассисларни жалб қилиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмаси органи мустақил экспертиза хулосасини иш берувчига тақдим этади, унда унинг таклифлари баён этилади. Агар хулоса, иш берувчининг позициясига қарши ўлароқ, касаба уюшмаси органининг иш шароитининг ходимлар соғлиғига салбий таъсир кўрсатаётганлиги тўғрисидаги фикрини тасдиқласа, у ҳолда иш берувчи касаба уюшмаси органига экспертизани ўтказиш учун кетган сарф-харажатларни тўлайди.

2. Томонлар шунга келишдики, иш берувчи иш шароитига бўлган меъёрий талабларни, корхонадаги ижтимоий-маиший хизмат меъёрида кўзда тутилган меҳнат ва дам олиш бўйича белгиланган тартибни қўпол бузса, ходимни шахсий ҳимоянинг зарур воситалари билан таъминламаса, бунинг оқибатида ходим ҳаёти ва соғлиғи учун бевосита хавф туғилса, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид қилувчи ҳолатларни бартараф этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар киритилмагунча тегишли ишни бажаришдан бош тортишга ҳақлидир.

Юқорида кўрсатилган сабаблар туфайли иш тўхтатилган вақт давомида ходимнинг иш жойи сақлаб қолинади ва унга ўртача иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланади.

3. Корхона жамоасининг структуравий бўлинмалари бўйича меҳнат муҳофазаси комиссияси миқдорий таркиби аниқланиши, уларнинг сайлови, ўқуви (ўқув муддатлари ва дастури кўрсатилади) ўз вақтида ўтказилиши ва тегишли гувоҳномалар берилиши керак.

4. Меҳнат муҳофазаси бўйича энг яхши вакиллар ва меҳнат муҳофазаси комиссиясининг энг яхши аъзолари тақдирланиши (маънавий ва моддий рағбатлантиришнинг аниқ турлари, уларнинг иш якунлари кўрсатилиши керак) керак.

5. Корхона ва унинг структуравий бўлинмаларида меҳнат муҳофазаси устидан маъумурий-жамоатчилик назоратининг уч босқичли услубининг олиб борилишини таъминлаш.

6. Томонлар моддий рағбатлантириш тартибини ўрнатишлари лозим, бунда йил давомида меҳнат муҳофазаси қоидаларининг бузилишига йўл қўймаган ходимларга қонун томонидан ўрнатилган энг кам иш ҳақининг_____ миқдорида пул мукофоти берилади.

Юқоридаги кўрсатилган ходимлар тақдирланишга цех, бўлинма, участка, бригада раҳбарлари томонидан тегишли касаба уюшма органи билан келишиб номзод меҳнат жамоаси мажлисида муҳокама қилингандан сўнг тавсия этилади.

7. Томонлар шундан келиб чиқадики, шикастланиш, касб касаллиги туфайли ёки ўз вазифасини бажариш натижасида ходимлар соғлиғига етказилган зарар учун корхона уларнинг олдида моддий жиҳатдан жавоб беради.

Томонлар шунга келишадиларки, корхона ходимига кўрилган зарар учун товон тўлашдан ташқари, амалдаги қонунга мувофиқ унга қуйидагича ҳақ тўлайди:

— шикастланган, касб касаллиги ёки меҳнат вазифасини бажариш билан боғлиқ ёки бошқа сабабларга кўра соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчи томонидан зарарни тўлаш тўғрисидаги 1994 йил 1 февралдаги қоида кўзда тутилганга нисбатан_____ фоиз кўп миқдорда бир марта тўланадиган нафақа;

— қонун бўйича зарар кўрганга тўланиши керак бўлган тўлов ҳақига қўшимча равишда _____фоиздан _____фоизгача ўртача иш ҳақи миқдорида қўшимча ҳақ. Кўрилган зарар кўлами йўқотилган профессионал меҳнат қобилияти кўлами ҳисобга олинган (корхонанинг молиявий имкониятларидан келиб чиқиб) ҳолда белгиланади;

— меҳнат вазифасини бажараётиб ёки корхона манфаатлари йўлида иш қилаётиб ҳалок бўлган, шу туфайли боқувчисидан ажралган ва бунинг учун товон пули олиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларга иш берувчи ҳалок бўлганнинг ўртача йиллик иш ҳақи миқдорида бир марта нафақа (лекин бу олти ўртача йиллик иш ҳақидан кам бўлмаслиги керак) тўлайди, шунингдек диний маросимларни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни ҳам ўз зиммасига олади;

— иш берувчи, агар жабр кўрган одам шикастланганги натижасида илгариги ишини қилишга қодир бўлмаса, ДМЭК ёки ВКК хулосасига мувофиқ унинг розилиги билан уни бошқа касбга ўқитиш-ўргатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

Ўқиш давомида жабрланганга аввалги иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи тўланиб турилади ва ўқиш билан боғлиқ барча сарф-харажатларни ўз зиммасига олади.

Илова №_____

Меҳнат муҳофазаси бўйича битим: корхона, муассаса, ташкилот ва ҳоказо.

№	Тадбирлар (ишлар мазмуни)	Ҳисоботга олиш бирлиги	Миқдори	Ишлар қиймати (минг сўм ҳисобида)	Тадбирларнинг бажарилиш муддати	Ижро учун масъул	Кутилган ижтимоий самара	
							Меҳнат шароити яхшиланиши керак бўлган ишловчилар	Оғир жисмоний ишдан бўшатилаётган ишловчилар сони
							Жами, шу жумладан хотин-қизлар	Жами, шу жумладан хотин-қизлар

1.
2.
3.
4.
5.

Корхона раҳбар

Корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Илова №_____

Касблар ва лавозимлар номи. Махсус кийим-бош, махсус пойабзал, шахсий ҳимоя ва бошқа муҳофаза воситаларини бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишлар

№	Цех, бўлим участка ва ҳоказо	Касблар, лавозимлар номи	Берилиши керак бўлган махсус уст-бош. Махсус пойабзал ва махсус ҳимоя воситаларининг турлари	Ой ҳисобида кийилиш муддати

1.
2.
3.
4.

Илова №_____

Касблар ва лавозимлар рўйхати қўшимча меҳнат таътили бериш, қисқартирилган иш кунини тайинлаш ҳуқуқини берадиган, меҳнат шароити зарарли ишлар.

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар, лавозимлар номи	Бериладиган имтиёз, қўшимча таътил кунлари сони кўрсатилиши керак

1.
2.
3.

Илова №_____

Касблар ва лавозимлар рўйхати Бепул даволаш-профилактик овқатланиш ҳуқуқини берадиган меҳнат шароити ўта зарарли ишлар

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар, лавозимлар номи	Овқатланиш рациони

1.
2.
3.

Илова №_____

Касблар ва лавозимлар рўйхати иш кунлари сут ёки бошқа шунга тенг озиқ-овқат маҳсулотлари бепул бериладиган касблар, лавозимлар

№	Цех, бўлим, участка ва ҳоказо	Касблар, лавозимлар номи

1.
2.
3.
4.

Чирчиқ тиббиёт билим юртида 1200 нафардан ортиқ талаба касб сирларини пухта ўзлаштирмоқда. Бу ерда ёшларнинг билим олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Суратда: моҳир ўқитувчилар Фотима Кенжаева, Гулноза Исроилова ва Барчиной Худойберганова дарсдан сўнг.

Ш.АКРАМОВ олган сурат.

БЕБАҲО МАЪНАВИЙ МЕРОС

Буюк бобокалонимиз Алишер Навоий ҳазратларининг таваллуд куни тобора яқинлашмоқда. Беш асрдан кўпроқ вақтдан буён жаҳон адабиёти ихлосмандларини ўзининг беназир асарлари билан баҳраманд этиб келаётган улуғ ватандошимизнинг бебаҳо маънавий мероси мангуликка дахлдордир.

Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи раҳбари Саидбек Ҳасанов миллий ва умумбашарий аҳамиятга молик бу бебаҳо маънавий меросни чуқур тадқиқ этиш, ўрганиш ва ундан кенг китобхонлар оммасини баҳраманд этиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида қуйидагиларни сўзлаб берди:

- Аввало айтиш жоизки, бундан ўн бир йил муқаддам Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллик тўйи мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши арафасида кенг нишонланган эди. Юбилей тантаналарини ўтказишга шахсан Юртбошимиз Ислом Каримовнинг ўзлари бош-қош бўлди. Пойтахтда Навоий боғини яратиш ҳамда ул зотга улуғвор ва муҳташам ҳайкал ўрнатиш ғоясининг ташаббускори ҳам давлатимиз раҳбаридир.

Юбилей тадбирлари доирасида Навоий асарларининг йигирма жилддан иборат мукаммал тўпламини нашр этиш йўлга қўйилди. Тўғри, илгари ҳам Навоийнинг ўзбек тилидаги ўн беш жилдлик асарлар тўплами ва рус тилидаги ўн жилдлик асарлари чоп этилган. Бироқ улар ўша давр идеологиясига «тўғри келмайди» деган баҳона билан қисқартирилган, «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» каби кўплаб достонларнинг муқаддима қисми тўпламга киритилмаган эди. Янги кўпжилдликда Навоий ҳазратларининг асарларидаги бирорта сўз ҳам тушириб қолдирилмай, тўла нашр қилинмоқда.

Айни пайтда Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти олимлари билан ҳамкорликда ҳазратнинг асарлари тўпламининг ўн еттинчи жилди «Фан» нашриётида босмадан чиқди. Айтиш жоизки, Навоийнинг ушбу «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» асари илк бор арабий, форсий матнлар таржималари ва изоҳлари билан тўлиқ ҳолда нашр этилди. Бу асар 770 нафар шайх /35 нафари авлиёлар/нинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган.

Асарнинг илгариги - 1968 йилги нашрида атиги 153 шайх ҳақида маълумот берилиб, айрим диний ва тасаввуфий атамалар туширib қолдирилган эди. Мазкур асарнинг тўлиқ нашр этилиши илмий, маърифий ва маънавий аҳамиятга эга.

Ушбу асарни нашрга тайёрлашда Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти фондида сақланаётган 857- ва 5420-рақамли қўлёзмалар ҳамда «Насойим ул-муҳаббат»нинг Туркияда чиққан танқидий матнлари асос қилиб олинди. Матнларни қиёслаш, шахс ва жой номларини тўғри ёзиш, таржима ва изоҳларни тузишда Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс мин ҳазарот ил-қудс» асари қўлёзмасидан, Эронда, Тошкентда чоп этилган манбалардан фойдаланилди.

Шуниси эътиборлики, Фанлар академияси билан биргаликда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида «Алишер Навоий асарларига ишланган миниатюралар» албоми ҳам босмадан чиқди. Уни тузувчи ва сўзбоши муаллифи филология фанлари доктори, профессор Фозила Сулаймоновадир. Албомга Навоий ҳазратларининг «Куллиёт», «Хамса» ва яна кўплаб нодир асарларининг бадиий безатилган қўлёзмаларидан олинган энг нодир материаллар киритилган. Ушбу нашрга шарқшунос олим Ҳамид Сулаймон томонидан 1970-1978 йилларда Буюк Британия, Франция, Россия ва юртимиз фондларидан жамланган миниатюралардан тартиб берилган.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили

ОҚСОҚОЛЛАР БОҒИ

Сурхондарёда бошланган кўчат ўтқазиш, боғ яратиш ойлигига воҳа қариялари бош-қош бўлмоқда. Улар Юртбошимизнинг қарияларга кўрсатаётган ғамхўрлиги, иззат-ҳурматига ўзларининг ижтимоий фаоллиги билан жавоб қайтаришга аҳд қилишди.

Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан шаҳарни боғу роғларга буркаш, «яшил шаҳар»га айлантириш ишларида ҳам қарияларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Шаҳар кўчалари четига ҳозиргача 20 минг тупдан зиёд манзарали кўчатлар ўтқазилган бўлса, вилоят бўйлаб 1 миллион тупдан кўпроқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Илиқ кунлар бошлангунча яна 4 миллион туп кўчат ўтқазиш мўлжалланган.

Музрабод тумани А.Набиев номидаги ширкат хўжалигида 3 гектарли «Оқсоқоллар боғи»га асос солинди. Улар иштирокида боққа илк кўчатлар қадалди.

Бундай хайрли ишлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам бошлаб юборилди.

УМИД НИҲОЛЛАРИ

Навоий шаҳрида 5-7-синф ўқувчилари ўртасида «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг вилоят босқичи якунланди. Спортнинг 8 тури бўйича ўтказилган мусобақалар муросасиз курашларга бой бўлди.

Навбаҳорлик ўқувчилар спортнинг футбол, қўл тўпи турлари бўйича, қизилтепаликлар волейбол бўйича, зарафшонликлар баскетбол ва енгил атлетика бўйича, хатирчиликлар шахмат бўйича, нуроталик полвонлар миллий кураш бўйича биринчиликни эгаллади.

Умумжамоа ҳисобида эса биринчи ўрин Навбаҳор тумани ўқувчиларига насиб этди.

(ЎзА).

Шахмат жаҳон адабиёти дурдоналарида

АССОР ТАБРИЗИЙ

Озар элининг ажойиб шоири Мавлоно Шамсиддин Ҳожи Муҳаммад Ассор Табризий ҳам шахмат маданиятини ғоят улуғлаган эди. У машҳур «Меҳр ва Муштари» поэмасида шахматни санъатлар сирасига қўшиб, бу борада ажойиб фикрлар айтган. Поэмада шахмат доналаридан шоҳ, қуёш, руҳ, байдақ (пиёда), от, фил ва фарзиннинг номи зикр этилади. Асарда қуёш деб аталган донанинг иштирок этиши билан гап астрономик шахмат устида борганлигини кўрсатади. Бу тасодифий ҳол эмас. Ассор Табризий астрономия илмидан бохабар бўлган (астрономик шахмат ҳақида Омилийнинг «Нафосиул фунун» асарида атрофлича маълумот бор). Қизиғи шундаки, Ассор Табризий поэмада Абулфарож Лайложнинг номини тилга олган. Лайлож исмининг бу ерда комил бир уста янглиғ зикр этилиши истеъдодли шахматчининг XIV асрда ҳам машҳур бўлганлигидан далолат беради.

Поэмада яна бир кучли шахматчининг номини учратамиз. Сартабек исмли бу шахматчининг Лайлождан кучлироқ ўйинчи бўлганлиги ҳақида асарда муайян фикр айтилган-у, аммо унинг шахсияти борасида тузукроқ маълумот берилмаган. Поэманинг диққатни жалб этадиган яна бир томони шундаки, Ассор Табризийнинг ҳамма қаҳрамонлари шахматни билганлар. Бу, ўша даврларда бошқа илмлар қатори шахматни билиш ҳам комиллик аломати, ҳисобланганидан дарак беради.





Поэмада XIV асрдаги шахмат ўйини қоидалари ҳам тасвирланган. Чунончи от билан филнинг нисбий кучи ҳақида қизиқ фикрлар бор. Маълум бўлишича, Ассор Табризий фил билан отни баробар кучдаги сипоҳлар, деб атаган.

«Меҳр ва Муштари» поэмаси бадиий асар бўлса-да, ундаги воқеалар шахмат Шарқда жуда қадим тарихга эгалигини яна бир карра тасдиқлайди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ

Мароқли машқлар.

Оқлар бошлаб дурангга эришади.

Шифокор маслаҳати

ГРИПП — энг кўп тарқалган ўткир вирусли касаллик ҳисобланади. Унинг барча турлари инсон соғлиғига катта путур етказади. Кўпинча ўзидан жиддий асоратлар қолдиради. Айниқса, гўдаклар ва кексаларда оғир кечади, ҳатто улар ҳаётига зомин бўлиши мумкин.

ГРИПП ЮҚМАСИН ДЕСАНГИЗ

Касаллик асосан ҳаво ва бошқа манбалар орқали юқади. Хаста одам йўталганда, аксирганда ва гаплашганда атрофга вирус тарқалади. Грипп қўзғатувчи вирус ҳавода бир неча соат давомида сақланиши мумкин. Хасталикнинг илк белгилари 12 соатдан 3 кун муддат ичида намоён бўлади.

Касаллик тўсатдан, ўткир хуружлар билан бошланади. Беморда кўнгил айниши, совқотиш, тана ҳароратининг кўтарилиши, бош оғриғи, оёқ ва қўл бўғинларининг, мушакларнинг зирқираб, қаттиқ оғриши ва умумий ҳолсизланиш кузатилади. Баъзи беморларда эса грипп тумовсиз, йўталсиз, тана ҳарорати кўтарилмасдан кечиши ҳам мумкин.

Бу хасталикни ўз вақтида тўғри даволамаслик кўнгилсиз ҳолатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ўткир ва сурункали бронхитлар, зотилжам, томоқ касалликлар ана шу асоратларнинг кўринишидир. Булар орасида бош мия, юрак қон-томир тизимининг жароҳатланиши билан боғлиқ касалликлар ҳам борлиги, айниқса, хавотир уйғотиши лозим. Яна шуни ҳам алоҳида кўрсатиб ўтиш керакки, грипп организмда мавжуд кўпгина сурункали касалликларнинг кўзғалишини тезлаштиради.

Грипп билан касалланган шахс шифокор назоратида шифохонада ёки уйда даволаниши керак. Чунки юқорида қайд қилинганидек, бемор одам қасаллик манбаи ҳисобланади. Касалликни атрофдагиларга юқтирмаслик учун бемор йўталганда, аксирганда оғиз ва бурунни рўмолча билан ёпиши, иложи бўлса тўрт қават докадан тикилган ниқобдан фойдаланиши лозим.

Беморни даволашда иштирок этаётган кишилар ва тиббий ходимлар ҳам дока ниқоб билан оғиз-бурунларини беркитишлари ва уни ҳар тўрт соатда алмаштириб туришлари тақозо этилади. Хоналарни тез-тез шамоллатиш ва 0,5 фоизли хлор эритмаси, хлорамин билан полни ювиб артиш мақсадга мувофиқдир.

Кези келганда, бир нарсани эслатиб қўйишни истардик. Хасталикнинг асоратсиз ўтишини таъминлаш мақсадида ҳозир жойларда замонавий махсус эмлаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Эмланганларга касаллик юқмаслиги ёки юқса ҳам енгил, асоратсиз ўтиши тажрибада кузатилган. Эмлаш ишларини корхоналар, ўқув юртлари, меҳмонхона, савдо муассасалари ва бошқаларда ўтказиш катта ижтимоий ва иқтисодий фойда беради. Дарвоқе, гриппга қарши махсус вакцинани Тошкентдаги «Посбон» фирмаси орқали сотиб олиш мумкин.

Б.ЮСУПОВ,
Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Давлат санитария-эпидемиология назорат маркази бош шифокори.

Хона тўрида пўрим кийинган, савлатидан от хуркадиган димоғдор йигит «чуқур ўй»га толганча пар ёстиққа ёнбошлаб ётибди. Берироқда эса икки аёл унинг дам олишига халал бермаслик учун ўзаро шивирлашмоқда:

ТУЗОҚ

Фельетон

— Илҳом Зокиржонович деганингиз шуми?

— Ҳа, айланай, худди шу. Ҳали-ҳозиргача ҳеч ким унинг бир гапини икки қилган эмас. Қаерга борса, айтгани айтган, дегани деган! Не-не катталар унинг олдида қўл қовуштириб туришади. Нажот сўраб келган ҳар қандай одамнинг мушкулини осон қилиб жўнатади. Ҳотамтойнинг ўзгинаси!

Илҳом гап ўзи ҳақида кетаётганлигини пайқаб, эриб, томоқ қириб қўяди. Бу нарсани хонадон эгаси Феруза «бу ёғини менга қўйиб бер» маъносида тушунадида, суҳбатдошига «Зокиржоновичнинг ўзи билан гаплашишни» маслаҳат беради.

— Мен Дукчи эшон кўчасидан Дилбар Мамажонова бўламан, - ўзини таништиради аёл, — ўғлим оғир жиноят билан кесилиб кетган. Шуни қамоқдан чиқартириб бersангиз, деб келувдим.

— Қамоққа тушмасдан олдин келиш керак эди-да, опажон! Бир имо билан бостибости қилдириб қўярдим. Майли, ўлимдан бошқасининг иложи бор. Лекин харажати сизнинг ҳисобингиздан бўлади, майлими?

— Вой, минг марта майли, укажон! Ўғлим учун етса молим — етмаса жоним!

— Она деган бундай бўпти. Беш минг доллар топсангиз, ўғлингиз бағрингизда бўлади.

Бунча пул топгунча йўғон чўзилади, ингичка узилади. Онаизор бировлардан қарз кўтариб, ўзининг борбисотини сотиб, айтилган пулни сўм ҳисобида келтириб берди. Илҳом соддадил онани атайин ёнига олиб, бир неча бор Тошкентга — номи бор-у ўзи йўқ «акахон»ларининг олдига олиб боради. Уни бирор жойга ўтқазиб қўяди-да, ўзи аллақандай кўчаларга кириб чиқади. Сўнг бошини тебратади:

— Яна озроқ қўшмасангиз бўлмайди, чамамда.

... Ўғли ёки эри қамалганларни шу тарзда шилиш Илҳомнинг тузоқларидан бири, холос. Фарзандини чет элларга ишлаш ёки ўқишга жўнатишнинг орқа йўлларини қидириб юрганлар, боласини бирор ёғлироқ ишга жойлаштириш учун порахўр қидираётганлар, борингки, ҳамон шўро замони руҳида фикр юритаётган кимсалар учраб туради. Илҳом ва унинг гумаштаси бўлмиш Феруза учун бундайлар тап-тайёр гўшт!

— «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида ишлаётган йигитларнинг қанча маош олаётганларини биласизми? Вой бў-ўй! Пулнинг ичида сузиб юришади. Уларнинг ҳаммаси Жанубий Кореяда ўқиб, уста бўлиб келишган. Хоҳласангиз, Илҳом Зокиржоновичга айтиб, ўғлингизни ўша ёққа ўқишга жўнаттирворамиз. У ёқдан қўйин-қўнжини доллларга тўлдириб келиб, «ЎзДЭУавто»да иш бошлайверади. Ана пул-у, мана пул! - меҳрибончилик кўрсатади Феруза навбатдаги «гўшт»га.

— Қандай яхши! Қанча тўлашим керак экан?

— От билан туя бўлармиди! Икки юз минг сўм бўлар, уч юз минг бўлар...

Фирибгарлар «ўлжа»нинг ишончини қозониш учун улардан турли-туман ҳужжат ҳам талаб қиладилар: паспорт ва меҳнат дафтарчасидан нусхалар, ариза, таржимаи ҳол, маълумоти, соғлиги, яшаш жойи ҳақида далолатномалар, ҳарбий хизматга алоқадорлиги, касби-кори, турли ўлчовдаги фотосуратлари... Мазкур ҳужжатларга қўшиб товламачиларга даста-даста пул узатганлар орасида Андижон шаҳрида яшовчи Ҳошимжон Қўшоқов, Ихтиёржон Мўйдинов, Ҳосилжон Сойипов, Мўътабархон Охунжонова, Гулчеҳрахон Сайдуллаевалар бор. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасининг сохта «ходими» Илҳом Йўлдошев ва унинг гумаштаси Феруза Исломовалар навбатдаги фирибгарликни содир этаётган пайтларида республика Миллий Хавфсизлик Хизмати Андижон вилоят бошқармасининг тезкор вакиллари томонидан қўлга олиндилар.

Содда одамларни чув туширib юрган найрангбозлар қонун олдида жавоб бераётганларида ҳам ўз маккорликларини яна бир карра ишлатиб кўрдилар:

— Менда зиғирчаям айб йўқ! Менинг номимни сотиб, пулни Феруза олган! Менга бир тийинини ҳам кўрсатган эмас! - дея туриб олди Илҳом.

— Ёлғон! Бош найрангбоз — Илҳомнинг ўзи! Мен ўртада холис хизмат қилганман, холос! - очиқчасига тонди Феруза.

Лекин кўплаб далилий ашёлар, гувоҳлар, даъвогарларнинг тушунтириш хатлари, қалбаки ҳужжатлар, сўроқ ва юзлаштириш баённомалари уларнинг кирдикорларини ойнадек равшан акс эттириб турарди. Феруза Исломова эса муқаддам айнан шу фирибгарлик учун судланганди.

Минг афсус ила тилга оладиган ҳолат: ўзини юқори лавозимли масъул ходим қилиб кўрсатиб, одамларнинг икки миллион сўмдан ортиқ мулкини ютиб юборган Илҳом Йўлдошев қамаладиган бўлганида, ундан панд еган жабрланувчилар бирдан уввос солишди:

— Шунча пулимизга куйиб қолаверамизми?!

Уларнинг пулини ундириб бериш суд ҳукмида қайд этилди, албатта. Лекин пул топиб, ақл топмаган кимсаларнинг орамизда ҳамон борлиги ажаблантиради кишини. Ҳаётимизда қонун устувор. Бу ҳол ҳар биримиздан қонунларни, ўз ҳақ-ҳуқуқимизни, бурчимизни яхши англаб етишимиз лозимлигини тақозо этади. Энди ўз муаммоларимизни тасодифий кишилар орқали эмас, балки бевосита ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идоралар ёрдамида ҳал этмоғимиз лозим. Бу нарсани тушуниб етмаганлар бирда бўлмаса бирда ўзларини Илҳом ва Феруза сингари товламачиларнинг тузоғида кўрадилар...

М.ҲАСАНОВ,
жиноий ишлар бўйича Андижон шаҳар судининг раиси.
М.АБДУКАРИМОВ,
«Ишонч» мухбири.

«Ишонч» ва «Ишонч-Доверие» газеталари жамоаси бош муҳаррир ўринбосари Виктор Зверевга онаси
Надежда Петровна АКИМОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси Бухоро вилоят касаба уюшма қўмитаси бош ҳисобчиси Мастура Юлдашевага онаси
Истамбиби ҲАКИМОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси назорат-тафтиш комиссияси раиси, Самарқанд вилоят соғлиқни сақлаш касаба уюшмаси қўмитасининг ташкилий бўлим мудири Салим Раҳимовга укаси
Азим РАҲИМОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 122. 1 2 3 4 5 6